

Юртимиз уламолари хориж сафарида



18:55 / 05.07.2023 1400

Юртимизнинг бир гуруҳ уламолари хориждаги ватандошларга бугунги куннинг муҳим мавзуларида илмий суҳбат қилиш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш, муборак Қурбон ҳайити байрамини бирга ўтказиш, жамоат намозларини биргаликда адо этиш мақсадида дунёнинг турли мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Корея, Россия ва Қозоғистон сингари мамлакатларда бўлиб туришибди.

Қуйида юртимиз уламолари ва уларнинг қайси мамлакатда учрашувлар ўтказаетгани тўғрисида танишишингиз мумкин:

Америка Қўшма Штатларида:

- Яҳё домла Абдураҳмонов, Тошкент шаҳри Олмазор тумани бош имом-хатиби, “Имом Бухорий” масжиди имом-хатиби;
- Қамариддин домла Баҳриев, Самарқанд вилоятидаги “Намозгоҳ” масжиди имом-хатиби.

Жанубий Кореяда:

- Ҳасан домла Қодиров, Тошкент шаҳридаги “Сирож Солиҳ” масжиди имом-хатиби
- Фозилжон домла Убайдуллаев, Тошкент шаҳридаги “Мирза Юсуф” масжиди имом-хатиби;
- Исоқжон домла Бегматов, Тошкент шаҳридаги “Имом ат Термизий” масжиди имом-хатиби;
- Муҳаммадраҳим домла Абдуқодиров, Тошкент шаҳридаги “Доруссалом” масжиди имом-хатиби.

Россия Федерациясида:

- Ҳабибуллоҳ домла Жўрабоев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази уламоси;
- Хайруллоҳ домла Сулаймонов, Андижон вилояти бош имом-хатиби ўринбосари;
- Мирзатиллоҳ домла Алихонов, Тошкент шаҳридаги “Файзи ота” масжиди имом-хатиби;
- Нурали домла Мавлонов, Тошкент вилоятидаги “Абу Бакир Сиддиқ” масжиди имом-хатиби;
- Зафар домла Маҳмудов, Самарқанд вилоятидаги “Хўжа Абду Дарун” масжиди имом-хатиби;
- Муродиллоҳ домла Хуназаров, Тошкент шаҳридаги “Ал Ҳудайбия” масжиди имом-хатиби.

Қозоғистон Республикасида:

- Бахрамиддин домла Разов, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти ўринбосари;
- Миродил домла Миржалилов, Тошкент вилоятидаги “Дўрмон” масжиди имом-хатиби;
- Салоҳиддин домла Тошанов, Тошкент шаҳридаги “Яккасарой” масжиди имом-хатиби;
- Ражабий домла Мирзаниёз, Тошкент шаҳридаги “Абу Бакр Қафғол Шоший” масжиди имом-хатиби;

- Қудратиллоҳ домла Сиддиқметов, Тошкент шаҳридаги “Аҳмаджон қори” масжиди имом ноиби.

Таъкидлаш жоизки, таниқли ва воиз уламоларимиз ўқиш, иш ва ҳаётий зарурат туфайли мазкур мамлакатларда яшаётган ватандошлар билан учрашувларда динимиз мазмун-моҳияти, хусусан, ниятнинг муҳимлиги, мусулмон киши амал қилиши лозим бўлган ижтимоий одоблар, ҳалол касб-кор қилиш, оила муқаддаслиги, фарзанд тарбияси, қон-қариндошлик ва ота-она, яқинлар билан илиқ муносабат сингари мавзуларда Қуръони карим, ҳадиси шариф, буюк уламолар асарларидан далил ва ҳаётий мисоллар келтирган ҳолда мазмунли мавъизалар қилиб беришмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, уламоларимизнинг хориж сафари ва ватандошларимиз билан учрашувлари юртимиздаги мутасадди вакиллар, мазкур мамлакатлардаги элчихона ва консулликлар орқали ташкил этилмоқда.

Шунингдек, юртимиз уламоларининг хориж сафари ва манфаатли суҳбатлари мазкур мамлакатлар мутасадди вакиллари ва ватандошларимизнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Буни уламоларимизга билдирилаётган миннатдорлик сўзлари ва тақдим этилаётган ташаккурномаларда ҳам кўриш мумкин.

Аллоҳ таоло уламоларимизнинг сафарларини хайрли ва ватандошларимизга манфаатли қилсин.